Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 12 октябр сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 201 (2239)






*Термиз туманидаги Халқобод жамоа хўжалиги далаларида бу йил ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Бригадаларнинг биринкетин йиллик маррага етиб келаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Хўжаликнинг Эшдавлат Эгамбердиев бош бўлган бригада аъзолари эрта баҳорда 93 гектар майдонга ипак пахта уруғи қадашган эди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилгани учун ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтарилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Илғорлар эндиликда ялпи ҳосилни 42 центнерга етказиш йўлида йиғим-теримни давом эттиришмоқда.*

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Эшдавлат Эгамбердиев бригада аъзолари Жўрабой Қосимов ва Омондавлат Қиличевлар билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## МАҚСАД — 35 ЦЕНТНЕР

Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажардилар. Мавжуд 691 гектар майдондан 2144 тонна пахта териб олинди. Шундан 796 тоннаси уруғлик пахтадир.

«Ўзбекистон»ликларнинг нияти ҳосилдорликни 35 центнерга етказишдир.

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАРПАЙНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

Самарқанд вилоятидаги Нарпай тумани пахтакорлари йиллик режани бажардилар. Нарпай пахтазорларидан 31 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олинди. Пахтакорларга меҳнат шароити тўғри ташкил этилганлиги, иш ҳақининг ҳар беш кунда бериб борилганлиги муваффақиятлар омили бўлди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларида тенг шароитларни таъминлаш, сайловлар даврида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг Низоми, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисидаги йўриқнома, Марказий сайлов комиссиясига келаётган таклиф, мурожаат ва аризалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловлар жараёнини Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида кенг ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси А.Кўчимовнинг ахбороти тингланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини Телерадиокомпания тизимидаги барча телевидение ва радио дастурларида қонунда белгиланган тартибда кенг ва ошкора ёритиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

## ҲУҚУҚИЙ ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлиги ҳамда Президентлигига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар тобора яқинлашмоқда. Давлатчилигимиз тарихида, халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлган ушбу сайловлар кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти, янги асрдаги равнақини белгилаб беради. Шу боис бу жуда катта сиёсий кампанияга пухта ҳозирлик кўриш ва уни демократик тамойиллар асосида юксак уюшқоқлик билан ўтказишга эришиш юртимиз жамоатчилиги олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, сайловлар мустақил диёримиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳуқуқий етуклигининг ўзига хос имтиҳонидир.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги матбуот анжуманида ана шу ҳақда гап борди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бу борада мазкур комиссия олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида сўз юритиб, сиёсий партия, вакиллик органлари ва мустақил номзодлар учун тенг шароитлар яратиш, сайловчиларнинг белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро кузатувчи ва журналистларнинг кенг фаолият олиб боришига барча имкониятларни яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Сайловлар чиндан ҳам истиқлол йиллари даврида ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида орттирган тажрибамизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб бораётганини, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги нечоғли юксаклигини намойиш этиш учун синовдир. Бу улкан сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш юрт осойишталиги ва тинчлигини мустаҳкамлаш, эл фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А. Саидов анжуманда сўзга чиқиб, сайловлар фуқаролар сиёсий фаоллигининг асосий шакли эканига эътиборни қаратди. Ушбу восита орқали ҳар қайси сайловчи кимга овоз беришидан қатъий назар, у — аввало, ўз хоҳиш-иродасига, иймон-эътиқодига таяниб, мустақил ва онгли равишда эркин овоз беради. Бу сайловчининг ҳақи, ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ, аввало, мамлакатимизнинг бош қомуси — Конституциямизда, умумэътироф этилган қонунларимизда, шунингдек, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар асосида яратилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларимизда аниқ-равшан белгилаб берилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

## "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлди. Унда мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилди. Делегатлар Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда мазкур партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Т.Даминовнинг "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партия сайловолди Дастури тўғрисидаги маърузаси тингланди, партия Дастури ва Низомига ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзолари сайланди.

**(ЎзА)**

## "ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ" ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон "Ватан тараққиёти" партиясининг бешинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Сиёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партиянинг сайловолди Дастури муҳокама этилди. Марказий Сиёсий Кенгаш Раиси А.Турсунов шу ҳақда маъруза қилди. Партиянинг сайловолди Дастури маъқулланди.

Делегатлар "Ватан тараққиёти" партиясидан Ислом Каримовни мамлакат Президентлигига номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда партия Дастури ва Низомига баъзи ўзгартиришлар киритилди, партия Марказий Сиёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

**(ЎзА)**

## ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Марказий банк раиси, мазкур кичик комиссия раиси Ф.Муллажоновнинг таъкидлашича, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хатлови белгиланган муддатларда ўтказилиши, шунингдек, маблағларнинг махсус траншлар ва мақсадли схемалар орқали ўзаро қарзларни камайтиришга йўналтирилиши, муддати ўтган қарзларнинг ўсишига йўл қуйиган 230 та корхона ва ташкилотга доир ҳужжатларни прокуратура органларига тақдим этилиши ҳамда кўрилган бошқа чора-тадбирлар туфайли 1 октябрга қадар бундай қарзлар миқдори жорий йил бошига нисбатан икки баравар қисқарган.

Бу борада олиб борилаётган ишлар бўйича Сурхондарё, Андижон, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятлари минтақавий комиссиялари раҳбарлари ҳисобот бердилар. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, бу ҳудудларда сусткашликка йўл қуйилаётгани, муддати ўтган қарзлар миқдори салмоқлилигича қолаётгани қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, Энергетика ва электрлаштириш, Коммунал хизмат кўрсатиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат ширкат қўмитаси, "Ўзкимёсаноат" уюшмасига қарашли корхона ва ташкилотларда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини узил-кесил бартараф этиш борасида таъсирчан чоралар кўрилмаётгани қайд этилди.

Минтақавий комиссия раисларига муддати ўтган қарздорликни тугатишда лоқайдликка йўл қўйган, бундай қарзларнинг тасдиқланган жадваллар асосида камайишини таъминламаган ва уни тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқмаган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш учун прокуратура органларига тақдим этиш ишларини жадаллаштириш вазифаси топширилди.

Мажлисда мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идораларга қарашли ҳудудларда жойлашган ҳар бир корхона ва ташкилотда мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини йил охиригача тўла бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**(ЎзА)**

## КХДР АЁЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Корея Халқ-Демократик Республикаси хотин-қизлари Демократик Иттифоқи делегациясининг республикамизга ташрифи ниҳоясига етди.

— Ташрифдан мақсад Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари фаолияти билан танишиш эди, — деди КХДР хотин-қизлар Демократик Иттифоқи раисининг ўринбосари Цой Чан Сук хоним. — Сизнинг мамлакатингиз, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Мамлакатингизда аёллар жамоат ва давлат қурилишида катта ўрин тутишига ишонч ҳосил қилдик, мамлакат ҳукумати уларни ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишга жалб қилишга катта эътибор бермоқда. Бу эса мамлакатингизда аёллар нечоғли ҳурмат қилинишини кўрсатади.

Делегация аъзолари "Оила" республика илмий-амалий марказида қизиқарли учрашув ўтказдилар ва марказ фаолияти билан танишдилар, республика байналмилал марказида, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасида бўлдилар. "Шарқ гули" акциядорлик жамияти ишчилари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари билан ҳам учрашув бўлди. БМТ "Гендер ва тараққиёт" дастури бюросида нодавлат ташкилотлари вакиллари, тадбиркор аёллар билан давра суҳбати бўлди. Кореялик меҳмонлар Ҳамза номли академик театр спектаклини, Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдилар, Ўзбекистон бадиий академиясида бўлдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

**З. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА

Ўтган кеча-кундузда Ўш вилояти жанубидаги вазият деярли ўзгармади. Қирғизистон Республикаси жангчилари террорчилар жойлашиши мумкин бўлган ерларга қарата ўт очмоқда. Алоҳида қуролли кучлар бўлинмалари жангарилардан озод қилинган жойларни тозаламоқда, кейин ўзлари жойлашган ерларга қайтиб келмоқда. Қуршовда қолган жангариларнинг ёриб чиқишига йўл қўймаслик учун тезкор ҳаракат гуруҳлари жалб этилган, Хўжа Очкан қишлоғи чегараларидаги ғорларда мавжуд вазият ҳар куни ўрганилмоқда. Жанговар отрядлар етарли даражада ўқ-дори ҳамда ҳужумни бошқариш учун лозим бўладиган алоқа воситалари билан етарли даражада таъминланган. Вертолётчилар ҳар куни бешолти марта жанговар сафарга учиб, ўз вазифаларини бажармоқда: махсус группаларни керакли жойларга қўндириб, Хўжа Очкан қишлоғи ҳудудига ҳаводан ракета зарбаларини бермоқда.

Террорчилар музокараларни чўзиш баҳонасида ўз истеҳкомларини мустаҳкамлаш учун вақтдан ютиш пайида. Улар жазо кўрсатиш билан қўрқитган ҳолда маҳаллий аҳолини қуролли ҳужумлардан анча вақтгача сақлайдиган истеҳкомлар қуришга мажбур қилмоқда.

Айрим маълумотларга қараганда, бугунги кунда Хўжа Очкан атрофида бир неча юз жангари тўпланган. Душанба куни Бишкекда ўтказилган брифингда эса, Қирғизистон Президентининг матбуот котиби Канибек Иманалиев ҳозир у ердаги жангарилар сони юзга етмаслиги, қолганлари майда-майда гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб кетгани ҳақида баёнот берди.

Шунга қарамасдан, Қирғизистон ҳукуматининг қўшинлари ҳал қилувчи жангга тайёрланмоқда. Чунки террорчилар ҳали-ҳануз Боткенда ўрнашиб қолиш фикридан воз кечгани йўқ. Буни Зардоли қишлоғи озод қилинганидан сўнг, у ердан жангарилар қишки мавсум учун тайёрлаб қўйган 1,5 тонна ўсимлик ёғи, 30 тонна ғалла, шунингдек, кўп миқдордаги гўшт маҳсулотлари топилгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бир ярим ой мобайнида жанговар ҳаракатлар давом этаётган жойлардаги вазият билан танишиш учун мамлакат жанубига келди. У Қирғизистон газеталари мухбирлари билан суҳбатда давлат ҳудуди яқин кунларда босқинчилардан озод қилинишини айтди.

**Н. МУҲАММАДИЕВ**
**(ЎзА)**

Қирғизистон ҳукумат қўшинлари жангарилар ўрнашиб олган сўнгги қишлоқ — Хўжа Очканни озод этиш бўйича ҳарбий операцияни бошлаб юборди. ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси жойдаги ҳарбийлар маълумотига таяниб, шундай хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, айни пайтда ҳарбийлар Хўжа Очкан аҳолисини бошқа жойга кўчирмоқда.

Айрим хабарларга қараганда, Хўжа Очканда истиқомат қилувчи бир фуқаро Шибе деган жойда жангарилар қўлида гаровда ушлаб турилган япон геологларидан бирини ва Қирғизистон ички қўшинлари қўмондони генерал Анорбек Шамкеевни кўрган. Лекин, илгари келган хабарларда гаровдагилар Тожикистон ҳудудига олиб кетилгани айтилган эди.

* * *

Халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг Қирғизистондаги вакили Турсунбек Охунов бир неча одамни гаровда ушлаб турган террорчилар билан навбатдаги мулоқот шу кунларда Хўжа Очканда бўлишини маълум қилди. Бу қишлоқ жангариларнинг сўнгги таянч нуқтаси бўлиб қолмоқда. Аммо, Қирғизистон ҳарбийлари террорчиларни у ердан сиқиб чиқариш бўйича кенг миқёсли операцияни бошлаганидан сўнг, галдаги мулоқотнинг тақдирига ҳам соя тушди.

Т. Охуновнинг билдиришича, у Покистонда бўлиб, жангариларнинг маънавий раҳнамолари билан гаровдагиларни озод қилиш борасида фикрлашган ва куни кеча Қирғизистонга қайтган. Бу учрашувларда озгина силжишга эришилди, деди у РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига берган интервьюсида, шу боис энди мулоқотни бевосита жангарилар жойлашиб олган ерда ўтказмоқчиман. Расмий маълумотларга кўра, Т.Охунов илгари икки марта жангариларнинг қароргоҳларида бўлган ва уларнинг бошлиқлари билан суҳбатлашган.

* * *

Гаровдагиларни озод қилиш бўйича улар билан Қирғизистон парламенти депутати Турсунбой Бакир ўғли ҳам музокарага киришган. У Тожикистоннинг Жирғатол туманидан ўтган якшанба куни Қирғизистонга қайтиб келиши керак эди. Аммо сўнгги хабарларга қараганда, депутатнинг қайтиши бир неча кун ортга сурилганга ўхшайди.

Жангариларнинг Тожикистондаги қароргоҳига бориш ва қайтиш чоғида депутат Бакир ўғлига бирлашган тожик мухолифатининг вакиллари ҳамроҳлик қилгани ҳақида хабарлар бор. Тожик мухолифлари буни "шунчаки техник воситачилик", деб изоҳлаган. Лекин аслида депутатнинг хавфсизлигини фақат Бирлашган тожик мухолифати вакилларигина кафолатлаши, шу боис ҳам улар Т.Бакир ўғлига ҳамроҳлик қилгани кундай равшан. Бу Бирлашган тожик мухолифати билан Қирғизистон жанубидаги босқинчиларнинг бир сафда турганини яна бир карра исботлайди.

**(ЎзА)**

## КОРЕЯ СИЁСИЙ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ ЭЪТИРОФИ


The Korea Times
Karimov —Uzbek Economist, Theoretician, and Practitioner




Ўзбекистон — бизнинг энг яхши ҳамкоримиз. Сеулда чиқадиган "Корея пост" газетасининг бу сарлавҳаси корейс матбуотида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг куни кеча Корея Республикасига буюрган давлат ташрифига бағишлаб эълон қилинган кўплаб мақолаларнинг моҳиятини очиб беради. Бу мамлакатнинг сиёсий раҳбарлари ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликдан алоҳида манфаатдор эканини ҳамда ўзаро фойдали алоқаларни янада кенгайтириш имконини берадиган ҳужжатлар имзолангандан мамнунлигини яширмаяпти.

Бир қарашда янги режалар, аввало, Ўзбекистонда мамнуният билан кутиб олиниши лозимдек кўринади. Масалан, Кореянинг "Эксимбанки" ёрдамида "ЎзДЭУавто" бўйича фақат иккита лойиҳанинг амалга оширилиши 100 ва 130 миллион АҚШ доллари билан баҳоланади ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалишини башорат қилишга имкон беради. Ташриф чоғида Жанубий Кореянинг йирик "Кабул текстайл" компанияси билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида имзоланган протоколга асосан, бу компания томонидан мамлакатимиз тўқимачилик тармоғига яқин вақт ичида ётқизиладиган сармоя бир миллиард долларгача кўпайтирилади. Маориф соҳасидаги ҳамкорликка қаратилган протоколни амалга ошириш учун "Эксимбанк"дан яна 35 миллион доллар имтиёзли кредит олиш режалаштирилмоқда.

Бу Жанубий Корея томони шу пайтгача Ўзбекистонга киритган 1,2 миллиард долларлик сармояга бугун яна қўшмоқчи бўлаётган маблағнинг бир қисми, холос.

Кореялик тадбиркорлар билан биргаликда ишлаётганлар корейслардан кўра ишнинг кўзини яхши биладиган ва талабчан ҳамкорни топиш қийинлигини яхши билади. Улар бошлаган иши фойда келтиришига қатъий ишонмаса, ҳар қандай вазиятда бир долларни ҳам ортиқча сарфламайдиган одамлардир.

Ундай бўлса, Ўзбекистон бу мамлакатни нимаси билан ўзига жалб қилмоқда? Корейс матбуоти жаҳондаги бозор иқтисодиёти ривожланаётган бошқа давлатларга нисбатан Ўзбекистон камида ўн жиҳати билан афзаллигини ёзади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Корея Республикасига аввалги икки ташрифи чоғида улар дарҳол хайрихоҳлик билан эътиборни қаратган биринчи томони Ўзбекистон танлаб олган, аниқроқ айтсак, Ўзбекистон яратган иқтисодий тараққиёт моделидир.

Ислом Каримов 1995 йилдаёқ Кореяда чиқадиган "Дипломатия" журнали мухбирининг саволларига жавоб қайтарар экан, эътиборни икки жиҳатга қаратган эди. Биринчидан, амалга оширилаётган ислоҳотлар муқаррар ва уларни ортга қайтариш мумкин эмас. Бу маҳаллий ишбилармонларга тараққиётнинг корейсча моделини эслатмаслиги ва улар кўнглида хайрихоҳлик уйғотмаслиги мумкин эмасди.

Иккинчиси, Кореяда олтин ва уранни, нефт ва газни, кўмир ва рангли металларни ҳамда бошқа турдаги минерал заҳираларимизни биз, ўзбеклар ҳам ҳавас қилсак арзийдиган даражада аниқ ҳисоблаб чиқилиб, "...минерал заҳиралари бўйича Ўзбекистон билан тенглаша оладиган мамлакат дунёда жуда кам. Бу улкан заҳиралар ҳамкорлигимиз учун жуда катта аҳамиятга эга", деган хулосага келинди. "Корея Ҳеральд" газетаси "Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг улкан табиий бойликларининг фақат салкам 45 фоизидан фойдаланилмоқда, қолган қисми ўз вақти-соатини, қазиб чиқарувчиларини кутмоқда", деб ёзганини ҳам ҳисобга олсак, аён бўладики, маҳаллий тадбиркорлар газетанинг бу қатъий хулосасига қўшилмаслиги мумкин эмас.

Инсоний заҳиралар омилини таҳлил этиб, Жанубий Корея томони камида икки жиҳатни: Ўзбекистонда иш кучи нисбатан арзон бўлгани ҳолда касбий маҳорати ва ақлий салоҳияти етарли даражада юқори эканини кўзда тутган бўлса керак. Бу ҳақда Тошкентда иш бошлаган йирик корейс фирмаларининг барча раҳбарлари гапирмоқда. Бу омил "ЎзДЭУэлектроникс" раҳбарларидан бирининг Ўзбекистонда чиқадиган "Менежер" журналида эълон қилинган мақоласи учун, ҳатто мавзу қилиб олинди.

Инсоний заҳиралар омилининг иккинчи томони шундаки, ҳозир Ўзбекистонда 240 минг нафар корейс яшайди, бу ҳолат Сеулнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатини беихтиёр эркинлаштиради.

Олдинги сафарлар чоғида ҳам, бу галги ташриф асносида ҳам, корейс томони Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий ўрнига ҳамда Ўзбекистон пойтахтининг Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари учун Европага дарвоза бўлишига эътиборни қаратган. Корея сиёсий, савдо-саноат доиралари Ўзбекистонни унинг атрофидаги қўшниларидан фарқлаётганда, бу ерда транспорт коммуникациялари, замонавий алоқа воситалари жадал тараққий этаётгани, аэропортлар халқаро андозалар талабларига мувофиқ равишда қайта қурилаётганига ҳам эътибор берган. Бундан каттароқ миқёсдаги жиҳатлар ҳам эътиборга олинмоқда. Корея матбуоти Сеулнинг барча МДҲ давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни янада кенгайтириш учун Ўзбекистонга ўзига хос плацдарм сифатида қараётганини яшираётгани йўқ. Бунинг амалдаги инъикосини Россия ва Украина мисолида кўриш мумкин. "Коммерсант" газетасининг ёзишича, ўз автомобилсозлик саноати мавжуд бўлган бу мамлакатларда, Корея-Ўзбекистон ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган "Нексия" автомобили энг кўп харид қилинадиган машина бўлиб қолган. Ҳамкорликда тузилган "ЎзДЭУ-электроникс", тўқимачилик корхоналари, бошқа қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Ўзбекистондан ташқарида тобора харидоргир бўлмоқда.

Сеулда соф сиёсий жиҳатларни, шу жумладан, Жанубий Корея ва Шимолий Корея ўртасидаги ғоялар кураши каби нозик соҳалар ҳам ҳисобга олинмоқда. Ҳозирги вақтда Жанубий Корея томони ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун, хусусан Шимол ва Жануб масаласини ҳал қилишда МДҲдаги бир қанча мамлакатларнинг муайян сиёсий қарашларидан фойдаланмоқда. Ўтган йили иқтисодий сабабларга кўра Шимолий Кореянинг Қозоғистондаги элчихонаси ёпилгандан сўнг, "Корея таймс" газетасининг ибораси билан айтганда, Тошкент бутун собиқ иттифоқ ҳудудида Корея Республикасининг "дипломатик базаси" бўлиб қолди. Бу иқтисодий далилларнинг Тошкент фойдасига сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишидир, Корея томони буни ҳам ҳисобга олмоқда.

Сўнгги вақтда Жанубий Кореяда ипак ишлаб чиқаришда, шунингдек, мазкур тармоқ машинасозлигида олдинги шоншуҳратни тиклаш Ўзбекистон билан боғланмоқда. "Корея пост" журнали Ислом Каримовнинг ташрифи арафасида бир килограмм қайта ишланган ипак қиймати тўғрисидаги қиёсий маълумотларни эълон қилди. Мақоладан маълум бўлишича, Европанинг Германия ва Буюк Британия каби мамлакатларида бир килограмм ипак ишлаб чиқариш учун 55-65 АҚШ доллари сарфланади. Ҳатто Туркия ва Болгария каби "ипакчилик" давлатларида бу рақам 35 доллардан пастга тушмайди. Ўзбекистонда эса ишлаб чиқариш ҳозирги даражада бўлган шароитда ҳам бир килограмм ипак 25 доллардан қимматга тушмайди.

Бу галги ташриф чоғида Ўзбекистонда ипакчилик саноатини ривожлантириш ва бу тармоққа Жанубий Корея сармоясини киритиш мавзуига алоҳида ўрин берилгани тасодиф эмас. Корейс матбуоти бунга дарҳол эътибор қаратди. Гап, ҳатто Жанубий Кореяда бутун бир тармоқни қайтадан жонлантириш имконияти пайдо бўлгани тўғрисида борди.

Шундай қилиб, кореялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан амалий ҳамкорликнинг кенгайиши ўзларига қандай иқтисодий ва сиёсий наф келтиришини жуда яхши тушунади.

"Корея таймс" газетасининг ёзишича, тобора кенгайиб бораётган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг яна бир ҳал қилувчи омили тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Газета Ўзбекистон раҳбарининг шахсиятини ана шундай омил, деб ҳисоблайди. "Айримлар уни қатъиятли ва собитқадам сиёсатчи, деб ҳисоблайди. Бошқалар абжир дипломат ва иқтисодчи, дейди. Лекин уларнинг барчаси, Ўзбекистон Президенти бутун дунёда обрў қозонган раҳбар, мураккаб сиёсий вазиятларда ўз мардлигини кўрсатган инсон, деган фикрга қўшилади". "Корея таймс" газетасида босилган мақола муаллифи шундай хулосага келган.

**Ф. АБДУХОЛИҚ.**
**(ЎзА)**



СПОРТ SPORT

# АРТУР – 9 КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил, тўққизинчи октябр. Ярим тун... Клара опанинг қўнғироқ қилишини кутаяпман. Ундан Германиядан хабар келиши билан менга етказишини илтимос қилгандим. Ниҳоят... телефон жиринглади. Югуриб бориб гўшакни олдим.

— Алло, эшитаман.

— Озодбек, ухлаб қолмадингизми?

— Йўқ, қўнғироғингизни кутаётгандим.

— Ҳозиргина хабар қилишди. Артур ғалаба қозонибди...

Клара опанинг кимлигини энди билгандирсиз. Ҳа, янглишмадингиз. У шундай машҳур боксчини тарбиялаб вояга етказган она — Клара Григорьян бўладилар.

Қувонч ҳаяжоними, ёки шошилиб қолдимми, Клара опани табриклашни унутибман.

Эрталаб яна телефон қилдим. Обдон қутлаганимдан сўнг сўрадим:

— Боксчи бўлишини билармидингиз?

— Билардиму, лекин қарши эдим.

— Нима учун?

— Ахир қайси она ўз ўғлини авайлаб, пуф-пуфламайди, дейсиз. Йўқ, у сўзида қатъий турди. Барибир боксчи бўлди. Мени ҳам боксни томоша қилишга «мажбур» қилди. Минг қилса ҳам онаман-да, ҳар сафар рингга чиққанида у жой, бу жойи шикастланиб қолмасин, деб этим жимирлаб ўтираман...

Клара опа билан самимий гурунглашдик. Суҳбат орасида Артурнинг шу кунларда Тошкентга қайтиб келиши, уни жуда соғинганини айтиб, томоғига бир нарса тиқилгандай ҳаяжондан бир оз жимиб ҳам қолди.

— Сизга бир гапни айтиб қўяй, — деди Клара опа. — Дунёдаги энг бахтли оналардан бири менман. Бир парча этдан тарбиялаб катта қилган ўғлингиз ғалабаси шарафига тўққиз карра Ватан мадҳияси янграса, байроғи баланд кўтарилса, мағрурланмасдан бўладими, ахир.

Германия. Оберхаузен. Чарм қўлқоп мухлислари билан лиқ тўлган муҳташам спорт зали. Томошабинлар Ўзбекистон фарзанди Артур Григорьянни олқишлар ила қарши олишди. Аввал саккиз карра шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд қилган бу йигитнинг яна ғалаба қозонишига кўпчилик шубҳа қилмасди. Зеро, Артурнинг ўзи ҳам журналистларга берган интервьюсида «9 октябрда тўққизинчи марта жаҳон чемпиони бўламан», деб дадил айтганди.

Аммо унинг бу галги рақиби ҳам анойи эмасди. Майкл Кларк (АҚШ) олдин икки бор жаҳон чемпионлиги нашидасини сурган. Профессионал бокснинг IBO таснифида жами 24 та жанг ўтказиб, барчасини ғалаба билан якунлаган. Шундан 13 нафар рақибини накаутга учратган.

У ўзининг ғолибона юришларини ўзбекистонлик спортчи тўхтатиб қўйишини олдиндан сезганми, йўқми бу бизга қоронғу. Бироқ бир нарса аниқ. Артур сўзининг устидан чиқди: тўққизинчи марта ўз вазнида дунёнинг энг кучли боксчиси, деган юксак унвонга сазовар бўлди.

Ушбу навбатдаги ғалаба билан Артурни ҳам, унинг мураббийлари, мухлислари, ота-онасини ҳам чин кўнгилдан табриклаймиз.Зеро, ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб тошган А. Григорьян «Ўзбекистон ўғлони мана бундай ғалаба қозонади», дея бутун юртдошларимизга олам-олам қувонч улашди, Ватанимиз шуҳратини етти иқлимга кўз-кўз қила билди.

Қолган гапни — баҳс таассуротларини юртга қайтгач Артурнинг ўзидан эшитсангиз ажаб эмас.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



СПОРТ

*Футбол: олий лига*

# ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТИ

Ўтган шанба куни футбол бўйича мамлакат VIII миллий чемпионати олий лига жамоалари йигирма олтинчи тур мусобақаларини ўтказишди. Ушбу турдаги кутилмаган ҳодиса — шубҳасиз пешқадамларнинг мағлубияти бўлди.

Жумладан, «Дўстлик» сафарда «Насаф»га қарши майдонга тушиб ўз дарвозасидан жавобсиз икки тўп ўтказиб юборди. Чемпионликка даъвогарлардан яна бири — «Нефтчи» эса ўз майдонида «Навбаҳор»дан ана шундай ҳисобда мағлуб бўлди. Турнир жадвалида юқори бешликдан ўрин олган «Хоразм» ҳам «Андижон»лик меҳмонларга имкониятни бой берди — 0:1.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зарафшон»-«Сурхон» — 2:2; «Бухоро»-«Трактор» — 1:1; «Сўғдиёна»-«Самарқанд» —0:0; «Металлург»-«Янгиер» — 5:1; «Пахтакор»-«Темирйўлчи» — 3:2.

Навбатдаги тур беллашувлари 16 октябр куни бўлиб ўтади.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги олдидан*

# Шоирга бағишланган уч китоб

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мамлакатимизда Муҳаммад Ризо Эрниёз ўғли – Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Тасвирий санъат соҳиблари унинг сиймосини яратмоқда, адабиётшунос олимлар бадиий, илмий-тарихий меросига оид рисола ва мақолалар тайёрламоқда.

Абдулла Қодирий номидаги нашриёт Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда Огаҳий юбилейи тантаналаригача учта китоб чиқаришни режалаштирган эди. Айни кунларда уларнинг иккитаси ўқувчилар қўлига тегди. "Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон" деб номланган биринчи китобга таниқли адабиётшунос олимларнинг Огаҳий ҳақидаги мақолалари жамланган. Уларда Огаҳийнинг устозлик мақоми, бадиий маҳорати, шеъриятидаги мазмун ва шакл борасида фикр юритилган.

Филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг "Муҳаммад Ризо Огаҳий" рисоласи эса шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, айниқса, унинг "Таъвиз ул-ошиқин" ("Ошиқлар тумори") девонига киритилган асарларининг таҳлили ҳамда яратилиш тарихига бағишланган. Рисолада, шунингдек, алломанинг тарихнавислик ва таржимонлик соҳасида амалга оширган ишлари ва яратган асарлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилган.

– Тайёрланаётган учинчи китоб Огаҳий танланган асарлари тўплами бўлиб, у "Ишқ аҳлининг тумори" деб аталади, – дейди нашриёт директори Дилбар Икромова. – Тўпламга шоирнинг сара шеърлари ва тарихий ҳамда таржима асарларидан парчалар киритилган. Китоб шоир тўйига муносиб тўёна бўлади, деган умиддамиз.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



*– Бобо, кўзингизда йилтираган не?*
*Ўғлон йиғласа гар айб бўлар дейсиз...*
*– Болам, суратингдан қамашди кўзим,*
*Бу тақдир иномин юзимга сурдим.*

*Гўзал либосингда Мирзо Бобиру*
*Иқболингда порлоқ қуёшни кўрдим.*

**М. АМИН**
**(ЎзА) сурат-лавҳаси.**


EXPO Italia 99

**1999 йил 21-25 октябр**

# «ЭКСПО ИТАЛИЯ 99» кўргазмаси

**120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда намойиш этадилар:**

- **Технология ва ускуналар:**
  - *-тўқимачилик саноати;*
  - *-кийим тикиш;*
  - *-тош,мармар, гранитга ишлов бериш;*
  - *-агросаноат сектори;*
  - *-озиқ-овқат саноати;*
  - *-ўраш ва қадоқлаш;*
  - *-хизмат кўрсатиш соҳалари учун.*
- **Қурилиш ва бошқа тармоқлар учун резина, ПВХ, алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар.**
- **Уй-рўзғор буюмлари:**
  - *-Мебел;*
  - *-тайёр кийимлар;*
  - *-сопол буюмлар;*
  - *-ошхона анжомлари;*
  - *-тилладан ясалган буюмлар.*

**Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси ЎзР ТИАВ ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида.**

*Кўргазмага хуш келибсиз!*

| *Манзилимиз:* | *Иш вақти:* |
|---|---|
| *Тошкент ш.,* | *1999 й. 21.10.* |
| *Амир Темир кўч., 107* | *11.00. дан 18.00.гача* |
| *«Ўзэкспомарказ» РСКМ,* | *1999 й. 25.10.* |
| *1-павильон* | *10.00. дан 18.00.гача* |

ЦЦ@2203


# НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

## ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссиясининг 1999 йил 24 сентябр 7-сон баёнига биноан университетнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига ҳужжат топшириб тест синовларида қуйидаги кўрсаткичларга эришган абитуриентларни пулли-шартнома асосида белгиланган ўринлар квотаси доирасида қабулга тавсия этишга рухсат берганлигини маълум қилади:*

| № | ИХТИСОСЛИК | КУНДУЗГИ БЎЛИМ | | СИРТҚИ БЎЛИМ | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | баллдан | баллгача | баллдан | баллгача |
| 1 | Математика (ўзб) | 96,10 | 68,10 | 144,70 | 97,40 |
| 2 | Математика (рус) | 111,30 | 68,10 | 129,90 | 99,80 |
| 3 | Физика (ўзб) | 84,90 | 68,10 | 121,60 | 100,30 |
| 4 | Физика (рус) | 94,30 | 68,10 | - | - |
| 5 | Кимё (ўзб) | 144,00 | 78,00 | 154,00 | 68,10 |
| 6 | Кимё (рус) | 85,40 | 68,10 | - | - |
| 7 | Биология (ўзб) | 134,30 | 100,30 | 149,60 | 68,10 |
| 8 | Биология (рус) | 116,60 | 77,40 | - | - |
| 9 | География (ўзб) | 109,60 | 71,20 | 137,20 | 98,60 |
| 10 | География (рус) | 104,70 | 70,20 | - | - |
| 11 | Ўзбек тили ва адабиёти | 123,90 | 93,20 | 160,00 | 68,10 |
| 12 | Рус мактабларида ўзбек тили | 126,30 | 68,10 | - | - |
| 13 | Рус тили ва адабиёти | 138,60 | 105,30 | 190,10 | 68,10 |
| 14 | Ўзбек мактабларида рус тили | 116,00 | 89,30 | - | - |
| 15 | Тарих (ўзб) | 135,30 | 111,00 | 178,40 | 161,50 |
| 16 | Тарих (рус) | 162,70 | 131,10 | 188,60 | 175,10 |
| 17 | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (ўзб) | 105,70 | 74,50 | 138,50 | 85,00 |
| 18 | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (рус) | 127,90 | 102,10 | 130,00 | 102,00 |
| 19 | Педагогика в психология (ўзб) | 102,80 | 80,00 | 142,30 | 95,30 |
| 20 | Педагогика в психология (рус) | 133,80 | 106,00 | 148,10 | 86,80 |
| 21 | Инглиз тили (ўзб) | 135,20 | 94,60 | - | - |
| 22 | Инглиз тили (рус) | 181,40 | 163,90 | - | - |
| 23 | Мусиқа (ўзб) | 118,30 | 68,10 | 142,50 | 99,70 |
| 24 | Чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия (ўзб) | 119,00 | 98,60 | - | - |
| 25 | Чақириққача харбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия (рус) | 133,40 | 100,70 | - | - |
| 26 | Чизмачилик , тасвирий ва амалий санъат (ўзб) | 115,50 | 68,10 | 120,70 | 102,80 |
| 27 | Чизмачилик , тасвирий ва амалий санъат (рус) | 108,70 | 68,10 | - | - |
| 28 | Қозоқ тили ва адабиёти (қоз) | 94,90 | 68,10 | - | - |
| 29 | Касбий педагогик тайёргарлик (техника йўналиши)(ўзб) | 74,40 | 68,10 | 129,10 | 107,40 |
| 30 | Касбий педагогик тайёргарлик (техника йўналиши)(рус) | 73,10 | 68,10 | 106,00 | 92,00 |
| 31 | Корейс тили | 124,00 | 100,70 | - | - |

ЦЦ@2190

***Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган ТДПУ абитуриентлари ректор номига ёзма ариза билан 18 октябргача шахсан мурожаат этишларини сўраймиз.***
***Маълумотлар учун телефон: 55-70-27***
***Университет қабул комиссияси.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Мурот Мирсодиқович Мирпўлатовга акаси **Мирвоҳид МИРПЎЛАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги ишчи муҳожирлар бўйича ваколатхона жамоаси директори Аҳмаджон Муҳаммаджоновга ўғили **Жамшид МУҲАММАДЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси «Нефтмеъёр» бошқармаси бошлиғи Рахматилла Шукурович Каримовга **ўғли ШУҲРАТИЛЛА ва келини МАРҲАБОнинг** фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзмашсавдо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Республика моддий-техник таъминоти тизимининг кекса ходими, Ўзбекистон машинасозлик маҳсулотлари билан таъминлаш бошқармасининг собиқ бошлиғи **Фаттоҳ ИРГАШЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6